

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

, 23 “ ноябрь 2017 й. г. № 940

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб  
масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари  
роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, Тошкент шахри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қуидаги йўналишлар бўйича доимий ҳамкорлик ўрнатсин:

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

оилаларда ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш ва унинг натижаларига кўра аниқланган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соглиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини тизимли равишда олиб бориш;

тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш ва ахоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

дэҳқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликларига кўмаклашиш чораларини кўриш;

худудларда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таъсирчан ишларни ташкил этиш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Г.К.Сайдова, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ш.С.Жавлонов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил “23” ноябр даги 940-сон қарорига  
илова

**Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини  
ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир комплекс чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

<b>№</b>	<b>Тадбирлар номи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
1.	Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқиша фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини таъминлаш.	Мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгаши, вазирликлар ва идоралар
2.	Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни тайёрлашда иштирок этиш.	Мунтазам равишда	Республика маҳаллалар кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари
3.	Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, коммунал соҳадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиша туман (шахар)лардаги сектор раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.	Мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгаши
4.	Ижтимоий соҳа обьектлари, энг аввало, соглиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишда туман (шахар)лардаги сектор раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.	Мунтазам равишда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгаши

<b>№</b>	<b>Тадбирлар номи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
5.	Тадбиркорлик субъектлариға амалий ёрдам күрсатиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда туман (шаҳар)лардаги сектор раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.	Мунтазам равища	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгashi
6.	Дехқон хўжаликлари, томорқа учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер хўжаликлигига кўмаклашиш бўйича чоралар кўришда туман (шаҳар)лардаги сектор раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.	Мунтазам равища	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгashi
7.	Худудларда хукуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларнинг барвакт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этишда туман (шаҳар)лардаги сектор раҳбарларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.	Мунтазам равища	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Республика маҳаллалар кенгashi
8.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хузуридаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан манфаатдор ташкилотлар билан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2017 йил декабрь	Республика маҳаллалар кенгashi, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар
9.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари, кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлар, худуддаги муассасалар раҳбарлари ҳамда профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)да хисобот бериш тизими мониторингини олиб бориш.	Ҳар чоракда	Республика маҳаллалар кенгashi, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

<b>№</b>	<b>Тадбирлар номи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
10.	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ ташкил қилинган Фуқаролар йиғинининг:</p> <p>тадбиркорлик фаолияти ва оиласвий бизнесни ривожлантириш масалалари;</p> <p>экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;</p> <p>ижтимоий қўллаб-қувватлаш;</p> <p>вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари;</p> <p>маърифат ва маънавият масалалари;</p> <p>жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш;</p> <p>яраттириш;</p> <p>хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар раисларининг фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)да ҳисобот бериш тизими мониторингини олиб бориш.</p>	Ҳар чоракда	Республика маҳаллалар кенгаши, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
11.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларини туман (шаҳар), вилоят ҳамда республика кенгашлари йигилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиш -тизимини жорий этиш.	Ҳар ойда	Республика маҳаллалар кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
12.	Фуқаролар йигинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларининг иш фаолияти самарадорлигини ошириш, республикада ягона электрон худудий база тармоғини яратиш, унда ҳудудидаги аҳоли ва оиласлар сони, уларнинг моддий ҳолати ва бошқа зарур маълумотларни жамлаш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашуви тизимини тўлиқ жорий этиш мақсадида фуқаролар йигинларини интернет тармоқлари билан жиҳозлаш бўйича 2018 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.	2017 йил декабрь	Республика маҳаллалар кенгаши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги

№	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
13.	Маҳаллаларда ва оиласарда ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан бартараф этилиши юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини изчил амалга ошириш.	Мунтазам равища	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика маҳаллалар кенгashi, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, “Нуроний” жамғармаси, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари
14.	Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мухокама қилиб боришни самарали ташкил этиш.	Ҳар чоракда	Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi, Республика маҳаллалар кенгashi, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари

